

# **Баркамол авлодни маънавий жихатдан шакилланишида муסיқа ўқитувчисининг ўрни.**

**Жиззах Давлат педагогика институти  
“Чолғу асбоблари ва анъанавий  
ижрочилик” кафедраси катта.  
ўқитувчиси: Назаров Х.Э.**

Миллий урф-одатлар, миллий фикрлашлар, миллий дунёкарашлар, миллий маросимлар ҳар бир миллатда бўлгани каби ўзбек миллатининг ҳам ўз йўналиши мавжуд. Бунда биз айниқса Ўзбекистон Давлатимиз Мустақилликни қўлга киритгандан кейинги 18 йил ичида амалга оширилган ҳар бир соҳадаги ўзгаришларни алоҳида мамнуният билан қайд қила олишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маънавият аввалом бор инсонни руҳан покланишига, қалбан улғайишига, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон – эътиқотини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучга қиёслайди.

Дарҳақиқат шундай экан ёшларимиз онгида таълим йўналишининг бошланғич тизими ҳисобланмиш болалар боғчаларидан бошлаб миллий қўшиқчилик санъатига, чолғу созларимизга, меҳр-муҳаббат уйғота олмоғимиз зарур. Бунда биз замон билан ҳамнафас ижод қиладиган ва шу соҳада ўзларининг беминат меҳнатларини аямай келадиган устозларнинг билим ва тажрибаларига таяниб иш юритмоғимиз зарур.

Вазирлар маҳкамасининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида муסיқа маданияти таълимини ўқитишини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларида муסיқа маданияти фанидан фақатгина олий маълумотли мутахассиларнинг иш олиб бориши зарурлигини алоҳида қайт этмоғимиз лозим. Мактабларда ўтказиладиган ва режалаштирган барча тадбирларнинг бадиий қисмида ўқувчи ёшларнинг иштирокидаги чиқишларини йўлга қўйиш, муסיқа дарсларидан ташқари муסיқа тўғаракларини бошланғич ва юқори синфларда ташкил этиш, туманларда, вилоятларда, Республика миқёсида ташкил этилган мактаб ёшидаги ўқувчи ёшлар кўрик танловларида иштирок этишига жалб қила олмоғимиз ҳамда муסיқа дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этмоғимиз лозим.

Иқтидорли ўқувчи ёшларни маънавий жихатдан рағбатлантиришни биринчи ўрнига қўймоғимиз зарур.

- Хўш, бундай талабларни бажариш учун мусиқа ўқитувчиси боғчалар ва умумтаълим мактабларида қандай иш юртимоеи лозим ва нималарни билиши зарур.

Аввлам бор мусиқа ўқитувчиси хар томонлама ўзи хам маънавий хам назарий хам амалий билимларга эга бўлмооеи лозим.

- Мусиқа маданияти фанининг мақсад ва вазифаларини давлат таълим стандартини.

- дарс жараёнини ўқувчи ёшларнинг мустақил ижрочилигини шакллантира олишни:

- мусиқа маданияти ўқитувчисига қўйилган умумий ва касбий талабларга тўла жавоб бера олишлигини:

- мусиқа маданияти фан хоналарини давр талаблари асосида жихозлашни:

- мусиқа маданияти фани бўйича мавжуд дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув методик адабиётлар, халқ қўшиқлари тўпламини, фонитекалар, кўргазмали куроллар ва улардан ўринли фойдаланиб олмоқликни 1-4 синфлар 5 – 7 синфлар бўйича гурух ичида гурух, кластер, ақлий-хужум усулларида унумли фойдалана олишни.

- ўзбек халқ мусиқа мероси ва унинг махаллий услублари ва жанрлари хакида ёзма ва тасвирлари туширилган кўргазмали куроллардан овозлари тушурилган дисклар магнит тасмалардан фойдлана олиши:

- ўзбек миллий халқ чолгу асбоблари улардан ташкил топган турли ансамбллар, оркестр ижрочилиги, халқ оғзаки ижоди намуналарини:

- мусиқа маданиятини фанидан синфдан ташқари мусиқий тўгараклар ўтказиш унга рахбарлик қилишни билмооеи зарурдир:

Қолаверса тўгарак аъзолари билан биргаликда мусиқа илмига ўзининг бетакрор хаётини бахшида этган буюк алломаларнинг, хофизу, бастакорларимизнинг мусиқий ижодий кечаларини ташкил этиш таниқли копазиторлар билан учрашувлар уюштирмооеи лозим.

Дархақиқат биргина мусиқа ўқитувчисининг мана шундай улкан маъсулиятли вазифаларни амалга оширмооеи, халқмизнинг ўсиб келаётган ёш баркамол авлоди бўлган, азиз фарзандларимизни ёшлигиданок, миллий мусиқамизга бўлган меҳру-мухаббатни уйгота олишдек шарафли бурчини оқламооеи лозим деб биламиз.